



## LIFE SAFETY TEACHER COMPETENCE AND PROBLEMS IN THE FIELD

Khusanova SI Ph.D.,

Assoc. Prof., Department of Management and Planning, FVDT,  
Ministry of Emergency Situations of the Republic of Uzbekistan,  
Academy in the Presence of the Fuqaro Institute of Defense  
e-mail: sumbula\_fmi@mail.ru, +998946229166

### Annotation

The article analyzes the current state of the education system associated with the problems of the competence of the teacher and teaching staff in the field of "Life safety". Based on specific examples, problems were identified and, as a solution, requirements were identified that characterize the level of the teacher "Life Safety", his professional competence.

**Key words:** problem, students, life safety, science, current state, teacher, professional competence, retraining, advanced training

### Аннотация

Мақолада «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқитувчисининг компетентцияси ва соҳадаги педагог кадрлар муаммоси билан боғлиқ таълим тизимидаги мавжуд ҳолати таҳлил қилинган. Унда аниқ мисоллар орқали муаммолар аниқланган ва уларнинг ечими сифатида «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқитувчисига, унинг касбий компетентцияси даражасини тавсифловчи талаблар белгиланган.

### Аннотация

В статье анализируется современное состояние в системе образования, связанная с проблемами компетентности педагога и педагогических кадров в области «Безопасность жизнедеятельности». На конкретных примерах выявлены проблемы и в качестве решения определены требования характеризующие уровень преподавателя «Безопасность жизнедеятельности», его профессиональную компетентность.

**Калит сўзлар:** муаммо, таълим олувчилар, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, фан, замонавий ҳолат, ўқитувчи, касбий компетенция, қайта тайёрлаш, малака ошириш.



**Ключивые слова:** проблема, обучающиеся, безопасность жизнедеятельности, наука, современное состояние, педагог, профессиональная компетентность, переподготовка, повышение квалификации.

**Кириш.** Жаҳон мамлакатларининг турли минтақаларида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий зиддиятлар ўчоқларининг пайдо бўлиши, табиий, техноген ёки аралаш турдаги фавқулодда вазиятларнинг кучайиши, атроф-муҳит ҳолати ва экологик вазиятнинг кескинлашуви, иқлим ўзгариши, чўлланиш жараёнларининг жадаллашуви, биологик хилма-хилликнинг йўқолиб бориши, коронавирус инфекцияси «COVID-19» пандемияси сабабли республикамизда эълон қилинган карантин шароити, Бухоро вилоятида юз берган табиий офат ва Сирдарё вилоятида «Сардоба» сув омборида рўй берган тошқин ҳолатларининг юзага келганлиги инсонларнинг беҳатар яшаш даражасини таъминлашни энг долзарб муаммомолар қаторига киритишни тақозо этади.

ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг маълумотларига кўра ҳаёт фаолияти хавфсизлиги муаммоларининг ечими аввалам бор таълим орқали аҳоли, айниқса, ёшларнинг тегишли онг ва маданиятини юксалтириш орқали амалга оширилар экан. Чунки Дунё аҳолисининг 51 фоиздан ортиғини ташкил қилган ёшларнинг аксарияти таълим соҳасида фаолият юритади [6]. Ўз таркибига ёшларнинг ҳаёт фаолият хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларда технотизимлар ҳамда аҳоли, меҳнат муҳофазалари, маънавий-маърифий, диний ва террористик, озиқ-овқат, саломатлик ва экологик хавфсизлик каби масалаларни қамраб олувчи таълим муассасалари субъектларининг билим ва маданиятини кўтариш инсоният учун бирламчи аҳамият касб этмоқда.

2015 йил 25-27 сентябрь БМТнинг халқаро саммитида қабул қилинган «Барқарор ривожланиш кун тартиби»нинг 17 та мақсади ва 169 та вазифаларининг деярли барчаси бевосита ёки билвосита тарзда ҳаёт фаолияти хавфсизлигига тегишлидир [7].

**Материаллар ва усуллар.** Инсоният цивилизацияси тарихининг кўрсатишича, билимлардан фойдаланиш, нафақат жамият эволюциясига ҳисса қўшиши, балки унинг хавфсизлигига ҳам таҳдид солиши мумкин. Замонавий дунёда саноат технологияларининг ривожланиши туфайли хавф инсоннинг унга нисбатан қаршилигидан тезроқ ўсиб бормоқда.

Жаҳон тажрибаси «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқув курси инсонларнинг барча фаолият хавфсизлигини ўз ичига қамраб олувчи ва кишиларни ҳаётга, жумладан меҳнатга тайрлашнинг тизимлашган, муддатли, расмий, тегишли



компетенцияларга йўналтирилган билим, кўникма, малака бериш воситаси эканлигини тасдиқланмоқда [3].

Бу ҳолат эса фуқароларнинг фавқулодда вазиятларда хавфсиз ҳаракат қилишга тайёргарлигини кучайтириш ва хавфсизлик соҳасида фаол фуқаролик позициясини намоён этиш зарурлигини кўрсатади. Ўзгарган шароитда инсон хавфсизлигига ёндашув «қутқармоқ ва тузатмоқ» тамойилидан янги «олдини олиш ва огоҳ бўлиш» тамойилига асосланиши керак.

Бугунги кунда «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқитувчиларининг касбий компетентлиги билан жамиятда ўзгаришларни боғлаб, шуни таъкидлаш керакки, хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги билимлар доираси тобора кенгайиб бормоқда, янги бўлимлар пайдо бўлмоқда, фанлараро боғланиш чуқурлашмоқда, турли фаолият соҳаларнинг интеграцияси ортиб бормоқда, хавфсизлик ва соғлиқни сақлашни таъминлайдиган ўқитувчига шахс ва ўз касбининг профессионали сифатида талаб ошмоқда, бироқ «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» таълим йўналишида тегишли компетентцияга эга бўлган педагоглар етишмаяпти ва кадрлар масаласи муаммолигича қолмоқда.

Касбий компетенция деганда шахснинг муайян компетентликка мувофиқлик даражасини акс эттирувчи ва ўзгарувчан ижтимоий ва касбий шарт-шароитларда конструктив ҳаракат қилиш имконини берувчи билим, кўникма ва тайёрлик даражаси тушунилади. Миллий ва халқаро хавфсизлик жамғармаси президенти Л.И.Шершневнинг фикрича, «ҳозирги муаммо кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда, бу катта жамоат ва давлат аҳамиятига молик устувор вазифадир» [4]. «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқитувчисининг хизмат вазифаларини таҳлилига кўра қуйидаги асосий таркибий гуруҳларга ажратиш мумкин бўлган бир қатор компетентлик йўналишларини қамраб олади:

- таълим, меҳнат муносабатлари, ҳарбий ва фуқаро муҳофазаси соҳасидаги Қонунчилик;
- умумий педагогика ва психология асослари;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги асослари назарияси;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги асослари методикаси.

Касбий компетентликни шакллантириш нуқтаи назаридан, фақатгина биринчи гуруҳда педагогик ва ҳарбий таълимга эга бўлган мутахассислар учун қийинчилик туғдирмайди, чунки унинг мазмуни жуда чекланган ҳажмда бўлиб, қисқа вақт ичида ўзлаштирилиши мумкин. Қолган гуруҳлар, аслида, асосийлари қўшимча малакали махсус тайёргарликни талаб қилади, аммо бугунги кунда барча малака ошириш хизматлари ҳам бу вазифани бажариш имконига эга эмас.



Расмий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ушбу талаблардан ташқари, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқитувчисининг касбий компетентлигининг асосий мезонларидан бири «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» соҳасининг хусусиятларини билиш ва уларни педагогик назария ва амалиётда кўриб чиқиш ҳисобланади.

**Натижа ва мунозаралар.** «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фани мазмуни ва ўқитиш методикасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш жараёнида мақолалар, «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқитувчилари учун ўқув дастур ва услубий қўлланмалар таҳлили қўйидагиларни аниқлаш имконини берди.

Меъёрий ҳужжатлар тўпламлари, тузилишига кўра мавзуга оид маълумотнома кўринишидаги ёки ўқув материаллари тўпламлари мавжуд бўлиб, уларда услубий мазмун йўқлиги сабабли ҳам услубий нашрлар қаторига киритиш қийин бўлган манбалар.

Бошқа адабиётларда ўзларининг методик тавсияларида фақат «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанининг мазмунига таянади ва ўқитишнинг анъанавий шакллари ва усулларида фойдаланадилар халос. Ушбу гуруҳнинг нашрлари ҳам «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанининг хусусиятларини тушуниш учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Яна бир қатор адабиётлар айнан бизни қизиқтирган хусусиятларни акс эттирувчи нодир қўлланмалардан иборат бўлиб, улар фақат қисман очиб берилган ва кўпинча тизимлаштирилмаган.

Назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлили натижасида хавфсизлик ўқитувчисига маълум талабларни қўювчи «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанининг мазмуни ва уни ўқитиш усулларида бир қатор асосий хусусиятларини кўриб чиқамиз: фаннинг интегратив хусусияти ва унинг ичидаги кўплаб бир-бирига боғлиқликлар; фавқулодда вазиятлар психологиясини ҳисобга олиш; фаннинг амалий йўналиши; фан бўйича билимларнинг ўзига хослиги; ўқув материални тақдим этиш усули;

1) Фаннинг интегратив хусусияти ва унинг ичидаги кўплаб бир-бирига боғлиқликлар. Барча бошқа фанларда мустақил мазмун ва унинг ажралмас таркибий қисмларига эга бўлган ҳолда, фан хавф манбалари ва уларни олдини олиш ва бартараф этиш воситалари тўғрисидаги фанлараро билимлар тизимида таянади, яъни муайян тузилишга эга бўлган йўналишлар бўйича билимларнинг яхлитликда бир-бирига ўзаро боғланган мажмуи. Тизимли ёндашувни амалга ошириш ўқитувчидан ҳаётий тажрибага, билимга, тегишли ўқув фанларининг мазмунини керакли ҳажмда эгаллаш ва тизимли фикрлаш услубини ривожлантиришни талаб этади.



2) Фавқулудда вазиятлар психологиясини ҳисобга олиш. Инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солаётган вазиятларда фикрлаши ва ўзини тутиши, унинг ўзига хос хусусиятларини билмаслик, вазиятни нотўғри баҳолаш, вазиятдан чиқиш учун нотўғри ҳаракат усулини танлаши оқибатида ташқи таҳдидларга қаршилиқнинг заифлашишига, психоэмоционал зўриқиш ва омон қолиш эҳтимоли пасайишига олиб келади. Ўқитувчидан, айниқса хавфсизлик масалалари билан боғлиқ жиҳатларда юқори сифатли психологик тайёргарлик талаб қилинади.

3) Фаннинг амалий йўналиши. «Юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал» деган мақолнинг асослиги исбот талаб қилмайди, шундай экан бир амални юз марта қандай бажарилишини кўргандан кўра, бир марта амалий бажариб кўрган маъқул. Бу хусусиятни амалга ошириш амалий машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари ва таълим олувчилар олган билимларининг аҳамиятини ҳис қила оладиган шароитда бўлиш имкониятларининг йўқлиги билан мураккаблашади, чунки бу ҳаёт ва соғлиқ учун маълум даражада хавф билан боғлиқ. Хавфли вазиятлардаги ҳаракатлар ҳақида тинч синф шароитида мулоҳаза юритиш ҳаётдаги ҳақиқий вазиятдаги ҳаракатлардан жуда фарқ қилиши мумкин.

4) Фан бўйича билимларнинг ўзига хослиги. Албатта фаннинг барча мумкин бўлган саволларига жавобларни билиш имконсиз. Г.С.Чеуриннинг ҳисоб-китобларига кўра, «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанининг барча саволларига жавобларни билиш учун ўқитувчининг ўзи камида 11 минг ўқув соати миқдорида таълим олиши, тайёргарликдан ўтиши керак. Бундан ташқари, Г.С.Чеурин «ҳар қандай ҳаётий вазиятни курс билан боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин», бунинг учун «бу ерда ва ҳозир» деган малакали жавоб талаб қилинади деб таъкидлайди. Жавобнинг йўқлиги таълим олувчилар олдида педагогик авторитетнинг йўқолишига ва ўқитувчи ҳақидаги фикрни, ҳурматни пасайишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, бу билимлар ҳар қандай вақтда керак бўлиши мумкин: бир соат, бир йил ва ўн йилдан кейин. Ҳар қандай фавқулудда вазият ўзига хосдир ва ҳаракат қилишнинг мумкин бўлган ҳаракатлар йўналиши бўйича қарор қабул қилиш, ўқитувчи ва конспектлар дафтари йўқ бўлганда ҳам инсон томонидан амалга оширилишига тўғри келади. Шунинг учун ўқитувчилар учун асосий вазибалардан бири қуйидагилардан иборат бўлади – таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишдан ижодий ташаббус кўрсатишга, ижодий эвристик фаолиятга тайёрлик ва эвристик фикрлаш кўникмаларни шакллантиришга қаратилиши керак, албатта, бунда ўқитувчининг ўзида шундай фазилатларнинг мавжудлиги назарда тутилади. Бу ерда «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» дарсларида ғоя ва имкониятлар талаб



қилинадиган илғор ижодий педагогиканинг шаклланиши ҳақида эслатиб ўтиш лозим.

5) Ўқув материални тақдим этиш усули. Л. С. Выготский шундай деб ёзган: «Энг ёмон усул қилмаслиги керак бўлган ҳаракатларни таълим олувчилар онгига астойдил ва қатъият билан киритишдир [1]. «Ҳеч нарса қилманг» деган буйруқ аллақачон ушбу ҳаракатни амалга оширишга туртки бўлган, чунки у ҳаракат ҳақида фикрини онгга ва бинобарин натижада уни амалга оширишга мойиллик ёки интилишга киритади. Инкорни, бўлишсизликни ифодаладиган «йўқ», «мумкин эмас» бўлаклардан бошланадиган қоидаларнинг кўплиги, албатта, мавжуд вазиятни ёмонлаштириши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этиш эҳтимолини чеклайди, лекин фавқулодда вазиятларда тез ва оқилона ҳаракат қилиш ҳам бирдек муҳимдир. Бунинг учун ижобий шаклда шакллантирилган аниқ мақсад ва унга эришиш йўли керак.

б) Ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўз вақтида машғулотларнинг бўлиб-бўлиб жойлаштирилиши билимларни ўзлаштириш ва ўқув маълумотларини эслаб қолишга яхши имкон бермайди ва физиология ва психология қонуниятларига зид келади: дарс ҳафтасига фақат 1 соат ўтказилади; кун давомида ўрганилган фанларнинг хилма-хиллиги ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг йўқлиги; ҳар бир ўқитувчининг кун ва ҳафта жадвалидаги дарс жойидан қатъий назар, таълим фаолиятини юқори даражада амалга ошириш истаги ва бошқалар. Шунга асосланиб, ўқитувчидан дарсга юқори сифатли тайёргарликни талаб қилиш муҳим аҳамиятга эга. «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқитувчисининг мустақил тайёргарлиги махсус ва методик адабиётлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги сабабли жуда қийин кечади.

«Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанининг асосий мақсади – таълим олувчиларда шахсий хавфсизлиги ва атрофдагилар хавфсизлигига онгли ва масъулиятли муносабатни шакллантириш, фавқулодда вазиятларда уларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш қобилиятига эга бўлишлари керак. Ушбу мақсадга эришиш учун фавқулодда вазиятларда омон қолиш усуллари билишнинг ўзи етарли эмас. Таълим олувчиларда шахсий хавфсизлиги ва атрофдагиларнинг хавфсизлигига онгли ва масъулиятли муносабатини шакллантиришдан олдин, бу муносабатни ўқитувчининг ўзида шаклланиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Г.С. Чеурин экстремал вазият - бу инсоният тажрибаси чегарасидан ташқарида бўлган ҳодиса, шунинг учун ҳам билим ва кўникмалар билан тайёрлаш мумкин эмас дея таъкидлайди, бизнинг фикримизча «олдини олиш ва огоҳ бўлиш» тамойили хавсиз ҳаракат қилишга ўргатишда муҳим аҳамиятга эга деб



ҳисоблаймиз, бу эса ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқитувчисидан стратегик фикрлашни, қарор қарор қабул қилиш назарияси ва усулларини билиши, экстремал педагогика ва психология масалаларини тушунишни, шунингдек, ижодий психологик ва педагогик технологияларни ўзлаштира олишини талаб қилади.

В. Н. Мошкин шахсий хавфсизлик маданиятини тарбиялаш таълим мазмуни таркибида, албатта, ўқитувчининг ўзи эгаллаши керак бўлган бешта асосий компонентларни кўрсатиб ўтади: хавфсизлик мотивацияси, хавф манбалари тўғрисидаги билимлар тизими, хавфсиз ҳаракат қилишга оид қобилият ва кўникмалар тизими, шахсий фазилатларни тарбиялаш ва хавфсиз ҳаракатларга психологик тайёргарлик. Бундан ташқари, шахсий хавфсизлик маданиятини тарбиялаш мафкуравий, ахлоқий, ҳуқуқий, психологик, жисмоний, экологик, эстетик ва тиббий тайёргарликни назарда тутди [2].

**Хулоса ва таклифлар.** «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқитувчисига, унинг касбий компетенцияси даражасини тавсифловчи юқоридаги талаблар кимгадир ҳаддан ташқари ошириб юборилган ва амалга ошмайдиган бўлиб туюлиши мумкин, бироқ хавфсизлик соҳасидаги муаммоларни ечишда, айниқса фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш борасида жуда масъулият ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак.

Фанни ривожлантиришнинг дастлабки босқичида «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш жиддий вазифа сифатида белгиланган эди, лекин ўша даврда асосий кучлар фаннинг мазмунини ишлаб чиқишга ва ўқув жараёнини керакли адабиётлар билан таъминлашга қаратилган. Бугунги кунда «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш муаммосини чуқур ўрганиш вақти келди. Изланишлар ва ўқитувчиларнинг тўпланган тажрибаси илмий жиҳатдан тушунишни талаб қилади. Бунинг учун касбий компетентликни такомиллаштириш шарт-шароитларини ўрганиш билан чекланиб қолмай, балки бу жараёнга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни ҳам аниқлаш лозим. «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқитувчисининг мавжуд таълим (педагогик ёки ҳарбий) хусусиятидаги ўқитувчилари билан ўртасидаги фарқлар ва тўпланган ҳаётий ва касбий тажрибалар касбий компетентликни шакллантириш муаммосини таҳлил қилишда турли хил ёндашувларни талаб қилади.

Замонавий дунёда, қисман ёндашув орқали бериладиган билим баъзан билмасликдан кўра хавfli бўлиб, билимларни қўллаш нафақат жамият эволюциясига ҳисса қўшиши, балки унинг хавфсизлигига таҳдид солиши ҳам



мумкин. Шахсий, миллий ва глобал хавфсизликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири – хавфсизлик энциклопедияси ҳам ўрнини босолмайдиган профессионал даражадаги ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқитувчисининг касбий компетентлиги бўлиши лозим. Бу эса, таълим олувчиларнинг келажакда ўз касбининг чуқур билимдони бўлиб етишишлари учун замин ҳозирлайди.

### **Адабиётлар:**

1. Гафнер В. В. Профессиональная компетентность учителя ОБЖ как психолого-педагогическая проблема. ОБЖ. Основы безопасности жизни. – 2004. – №9. – С. 15–17.
2. Мошкин В.Н. Структура воспитания культуры безопасности. 2004.-С. 33.
3. Нигматов А.Н. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Дарслик. Ўзгартирилган ва қўшимча қилинган 2-нашри.-Т.: «Навруз», 2016. 7-б.
4. Шершнев Л.И. Курс ОБЖ в концепции национальной безопасности России. М.:2009.
5. Статистика молодежи. [www.unesco.org](http://www.unesco.org)
6. Sustainable development agenda. [www.un.org](http://www.un.org)